

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

**BYUDJET HISOBI VA DAVLAT JAMG'ARMALARI
FAKULTETI**

“PENSIYA ISHI” KAFEDRASI

Курс иши

**Mavzu: Fазначилик тизимида нархлар мониторинги ва уни
такомиллаштириш**

Ваярди: ВРІ-70 Ж.Вайдуллаев

Текширди: Ж.Турсунов

TOSHKENT-2014

РЕЖА:

I. КИРИШ

1. Ғазначилик шароитида давлатнинг нархларни бошқариш сиёсати.
2. Ғазначиликда нархлар мониторингини ўтказишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.
3. Ғазначиликда нархлар мониторингини ўтказиш механизмини такомиллаштириш.

II. ХУЛОСА

III. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Бозорда товар ва хизмат харид этилган вақтда қанча пул тўлаш кераклигини нарх белгилайди. Нарх арзон бўлса, пул камроқ тўланади, нарх юқори бўлса пул кўп тўланади. Нарх бозордаги олди-сотди алоқаларини таъминлайди. Нарх бозор алоқаларининг асосий иқтисодий воситаси бўлиб, товар ва хизмат бирлигини сотиб олиш учун тўланадиган пул миқдорини билдиради.

Давлатнинг (бюджет ташкилоти) қанча товар сотиб олиши мумкинлиги, унинг харид қобилиятини биринчидан, товар нархи белгиласа, иккинчидан бюджет маблағларининг миқдори белгилайди. Товарнинг қандай нархда олди-сотди қилиниши сотувчи ва олувчи келишуви асосида белгиланади. Сотувчи бозорга ўз нархини таклиф қилади, харидорнинг ўзининг мўлжаллаган нархи мавжуд. Товар етказиб берувчи ва харидор нархи бир-бирига мос тушганда бозор нархи пайдо бўлади ва маҳсулотлар шу нарх билан сотилади. Сотувчи ўз нархини оширади, фойдани кўпроқ олишни белгилайди. Харидор нархи эса пулга сифатли ва кўп маҳсулотлар олишга қаратилади. Савдолашув ва келишув асосида ҳар икки томон учун маъқул нарх пайдо бўлади.

Бозор тизимидаги барча иқтисодий алоқалар нарх воситасида амалга ошганлиги учун бозор хўжалигининг амал қилишида нарх асосий рол ўйнайди. Нарх –хўжалик механизмида амал қилувчи асосий иқтисодий воситадир. Бозор иқтисодиёти шароитида нархлар қиймат ўлчови, рағбатлантириш омили, даромадларни қайта тақсимлаш вазифаларини бажаради. Нарх – товар қийматининг пул кўринишидаги ифодасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг шаклланишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Буларга қиймат, талаб ва таклиф, бозорлар киради. Нархлар биринчи навбатда товарларни ишлаб чиқариш жараёнида шаклланади. Иқтисодиётда шундай омил борки, у бозорларнинг турлари, харидор ва сотувчининг хоҳиш-ихтиёридан қатъий назар, нарх учун

объектив асос бўла олади. Шундай омил товарнинг қийматидир. Нархнинг шаклланишида товар ишлаб чиқаришдан тортиб, исьтемомлга етгунча қилинган буюмлашган ва жонли меҳнат сарфлари иштирок этади, ишлаб чиқариш ва тижорат меҳнат сарфлари иштирок этади. Бунда ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари киради, жамики харажатлар нарх таркибига киради.

“Нарх –хўжалик механизмида амал қилувчи асосий иқтисодий воситадир. Бозор иқтисодиёти шароитида нархлар қиймат ўлчови, рағбатлантириш омили, даромадларни қайта тақсимлаш вазифаларини бажаради. Нарх – товар қийматининг пул кўринишидаги ифодасидир.

Ватанимиз иқтисодчилардан Н.Бекнозовнинг фикрича, “бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг шаклланишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Буларга қиймат, талаб ва таклиф, бозорлар киради. Нархлар биринчи навбатда товарларни ишлаб чиқариш жараёнида шаклланади. Иқтисодиётда шундай омил борки, у бозорларнинг турлари, харидор ва сотувчининг хоҳиш-ихтиёридан қатъий назар, нарх учун объектив асос бўла олади. Шундай омил товарнинг қийматидир. Нархнинг шаклланишида товар ишлаб чиқаришдан тортиб, исьтемомлга етгунча қилинган буюмлашган ва жонли меҳнат сарфлари иштирок этади, ишлаб чиқариш ва тижорат меҳнат сарфлари иштирок этади. Бунда ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари киради, жамики харажатлар нарх таркибига киради»¹.

¹Бекнозов Н. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДЮИ. Тошкент. 2006. -212 бет.

1. Ғазначилик шароитида давлатнинг нархларни бошқариш сиёсати

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг энг асосий механизмларидан бири бу нарх-наво мониторингини жорий этиш ҳисобланади.

Бизнинг республикамызда ғазначилик тизими жорий этилиши муносабати билан бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик мажбуриятлари вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти туғилди ва бу **нархлар мониторинги** орқали амалга оширилмоқда.

Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хом-ашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифларини олиш, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Ҳар бир шартномага бир нечта (энг камида 3 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари, раҳбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юқори мавқели корхоналар бўлиши тавсия этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи маҳсулот воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи маҳсулот эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг асоссиз ўсишининг олдини олади.

Молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини

Ўтказиш тўғрисидаги Низом” бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Низом давлат бюджети, давлат бюджетда консолидациялашувчи давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гуруҳи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, "KFW" банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари эвазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби қўлланилмайди Битта контракт бўйича 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўпроқ суммага товар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) режалаштирилганда тендер савдолари ўтказилади. Бундан кам суммадаги контрактлар энг яхши таклифларни конкурс асосида танлаб олиш йўли билан қуйидаги тартибда тузилади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, молия Вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги;

- Ҳазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотларга биноан;

- бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган

маълумотда кўрсатилган нархлардан юқори бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Белгиланган тартибга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина кўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

Давлат товарлар ва хизматларнинг нарhini бевосита ва билвосита аралаштириш услублари билан бошқаради. “Нархни шакллантириш жараёнида давлат қуйидаги усуллар билан иқтисодиётга аралаштириши мумкин²:

- ⇒ нархни музлатиб қўйиш (иқтисодиётни ривожлантиришда инфляция суръатларини пасайтиришда қўлланилади) ёки айрим гуруҳдаги маҳсулотларнинг нархи (айрим маҳсулотлар);
- ⇒ белгиланган нарх ва тарифларни қўлланиши мумкин (мазкур нархлар давлат ҳокимияти органлари қарори билан белгиланади ва қаттиқ белгиланган тартибда амалиётга киритилади);
- ⇒ маълум даврда нархнинг ўсиши ва тушиши қаттиқ белгиланади, нархнинг энг юқори ва энг паст даражаси белгиланади, бундай тартибда бюджет тақчиллиги ошганда муҳимдир, чунки эркин баҳоларнинг ўсиши, пировардида, ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади;
- ⇒ рентабеллик меъёри чегарасида нархлар белгиланади, маҳсулотга кетган харажатлар ва фойда эътиборга олинади;


²Цены и ценообразование. Учебник для вузов. 5-изд. \ Под ред. В.Е.Есипрова. СПб: Питер. 2008 – С 480.

⇒ маиший-хизмат ва савдо баҳолари ва устамаларининг энг юқори чегараси белгиланади;

⇒ айрим муҳим маҳсулот турларига таклиф қилинган нархлар белгиланади.

Давлатнинг товарлар ва хизматларнинг нарhini белгилаш ва нархни шакллантириш жараёнлари давлатнинг иқтисодиётга билвосита аралашииш услубларидан, бозорда товарга бўлган таклифни оширишга, аҳолининг даромадларини оширишга ёрдам берадиган воситалардан, бюджет маблағларидан, ишлаб чиқарилган ва исьтемом қилинадиган товарларга белгиланган солиқлардан фойдаланиш орқали таъминланади.

Нарх миллий ёки халқаро валютада ифода этилади. Келишилган нархнинг пайдо бўлишига келишувда катнашувчи томонларга умуман боғлиқ бўлмаган ҳолда, (маҳсулотнинг хусусияти, рақобатбардошлиги, бозорда талаб ва таклифнинг нисбати, мамлакатда давлат томонидан тартибланишнинг хусусиятлари, бозор монополияси) каби бир қатор объектив ҳолатлар таъсир этади. Шунингдек, (контрагентни танлаш, бозор маркетинги, шартномани тузилган вақти, жойи ва шартномани тузиш воситалари, товар етказиб берувчиларнинг тижорат билими ва бозор конъюнктурасидан фойдаланиш тажрибаси ва савдолашиш маҳорати) каби субъектив ҳолатларнинг таъсири мавжуд»³.



³<http://creditukraine.com/dict/ce.html> интернет сайти маълумотлари.

1-расм. Давлатнинг маҳсулот ва товарларни нархини тартиблаш услуги

Давлатнинг товарлар ва хизматларнинг нархини белгилаш ва нархни шакллантириш жараёнлари давлатнинг иқтисодиётга билвосита аралашуш услубларидан, бозорда товарга бўлган таклифни оширишга, аҳолининг даромадларини оширишга ёрдам берадиган воситалардан, бюджет маблағларидан, ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинадиган товарларга белгиланган солиқлардан фойдаланиш орқали таъминланади. Юқоридаги расмда давлатнинг маҳсулот ва товарларни нархини тартиблаш услублари берилган. “Нарх (price) –шартнома асосида етказиб берилган ёки сотилган маҳсулотнинг сонига (бажарилган ишга ва кўрсатилган хизматга) тўловни амалга оширишга ва молиявий мажбуриятни бажаришга таъсир кўрсатади.

Нарх иқтисодиётда қуйидаги функцияларни бажаради.

1. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси. Маҳсулот учун сарф-харажат, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Уларнинг умумий ўлчови пул, унда ифодаланган нарх бўлиши мумкин. Харажат-бу ҳар қандай нархнинг умумий асоси бўлади, чунки харажатсиз ҳеч қандай маҳсулот ёки хизматни яратиш бўлмайди. Харажат нарх таркибига киради. Чунки товарлар сотилгач, харажатлар қопланиши керак. Нарх ҳеч бўлмаганда харажатни қоплашга етарли бўлиши керак. Шу сабабли харажат миқдори нархнинг қуйи чегарасини ташкил этади, нарх харажатдан паст бўлиши мумкин эмас. Ҳисоб-китоб учун жорий ва таққослама нархлар қўлланилади. Нарх инфляция таъсиридан ҳоли этилгандагина, реал иқтисодий натижани кўрсата олади.
2. Иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш функцияси. Нархнинг ўзгариш туриши ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантиради. Нарх ошганда, агар харажатлар ўзгартирмай қолса фойда кўпаяди,

бу ишлаб чиқарувчиларни товарни кўпайтиришга ундайди, чунки фойдани максималлаштириш имкони пайдо бўлади. Нарх истеъмолчини ҳам рағбатлантиради. Агар нарх пасайса бу истеъмолни кўпайтиришни рағбатлантиради.

3. Иқтисодий тартибланиш функцияси. Бу функция шундан иборатки нархнинг ўзгариши керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундайди. Нарх қандай маҳсулотларни қанча ишлаб чиқариш зарурлигини белгилаб беради. Нарх барометр сингари бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Муайян маҳсулотнинг нархи ошиб боришга мойил бўлса, демак, бозорталаб маҳсулотларни кўпроқ чиқариш мумкин. Бунинг учун эса бозордан ресурсларни кўпроқ харид қилиш керак. Ресурсларни турли соҳаларга буриш орқали нарх иқтисодий тартибланиш туради. Кераксиз товарлар ўрнига керакли бозорбоп маҳсулотларни яратишни таъминлайди.
4. Рақобат воситаси функцияси. Рақобат бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатларини юзага чиқариши учун, бири-бири билан курашиши учун восита ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, хўжалик субъектларининг ўзаро беллашувидир. Рақобат қонуни - бозор тизимининг шундай иқтисодий қонуники, унга кўра иқтисодий субъектларининг ўз мақсади йўлидаги ўзаро кураши муқаррар бўлади. Бу кураш бозорга хос усулларда олиб борилади ва субъектларни иқтисодий жиҳатдан сайланиб олинишини юзага келтиради. Нарх ғоят муҳим иқтисодий восита бўлганидан рақобат курашида ҳам қўлланилади. Товар етказиб берувчилар нархни пасайтириш орқали харидорларни кўпайтирадilar. Эркин рақобатли бозорда нархлар турлича бўлади, нархларнинг шаклланишига таъсир этувчи харажат, талаб, таклиф, рақобат каби омиллар амал қилади.
5. Ижтимоий ҳимоялаш функцияси. Шунини айтиб ўтиш керакки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида нарх ижтимоий ҳимоялаш функциясини бажаради. Давлат томонидан пасайтирилган

нархлар қўлланилади. Ўта муҳим маҳсулотларнинг баъзилари арзон нархда аҳолига сотилади. Бу маҳсулотларнинг ҳақиқий бозор нархи ўртасидаги фарқ Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Дотацияланган нархлар ижтимоий функцияини бажарган ҳолда иқтисодий рағбатлантириш функциясини бажармай кўяди. Ўзбекистонда иқтисодий функцияларни бажарувчи эркин бозор нархларига ўтилди, бироқ айрим ижтимоий муҳим маҳсулотларга дотация нархлари сақланиб қолди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида бозор нархларининг турланиши

№	Нарх турлари	Иқтисодий мазмуни
1.	Шартнома нархи	Шартнома нархи ҳар икки томоннинг розилиги билан белгиланган ва уларнинг шартномасида қайд этилган нархдир. Бу нарх шартнома амал қилган даврда одатда ўзгармайди, чунки у олдиндан келишилган бўлади, унинг бузилиши икки томондан бирининг ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаганлигини билдиради.
2.	Худудий нарх	Худудий нарх унга таъсир этувчи омилларнинг маълум ҳудуд доирасида амал қилишидан ҳосил бўлади. У фақат маълум худудий бозорга хос бўлади.
3.	Мавсумий нарх	Мавсумий нархлар ўзгарувчан нархлар жумласига киради. Мавсум бошида улар қиммат турса, мавсум охирида арзонлашади. Масалан, киш мавсумида мева-сабзавот, сут-қатиқ нархи юқори бўлади, ёз фаслида улар арзон нархда сотилади.
4.	Улгуржи	Ишлаб чиқарувчи томонидан катта миқдордаги маҳсулотларни бир йўла ёппасига харид этувчига

	нарх	сотилган пайтда қўлланиладиган нархдир. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда кўришни таъминлаши керак. Улгуржи нархлар товар биржаларида, савдо уйларида ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита муносабатларида қўлланилади.
5.	Чакана нарх	Чакана нархлар билан исьтемомол товарлари бевосита аҳолига сотилади. Чакана нархга улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг харажатлари ва оладиган фойдаси киради. Чакана нархлар савдо фирмасининг зарар кўрмай ишлаши, фойда кўришни таъминлаши зарур. Акс холда фирманинг фаолияти ўзи учун нафсиз ишга айланади. Амалда чакана нарх талаб ва таклифга қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин.
6.	Миллий нарх	Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва мамлакатнинг хусусиятини экс эттирувчи нархдир. Миллий нарх рақобатнинг боришини, мамлакат доирасидаги сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифни ҳисобга олади.
7.	Жаҳон бозори нархи	Жаҳон бозори нархи муайян маҳсулотга кетган интернационал сарф-харажатларни, маҳсулотнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини, ниҳоят, талаб ва таклиф нисбатини ва рақобат шиддатини ҳисобга олади. Жаҳон нархи, албатта, миллий нархдан фарқланади.
8.	Стандарт нарх	Стандарт нархлар-маълум давр оралиғида ўзгармайдиган нархлардир. Шундай товарлар борки, харидорларнинг мазкур нархларни ўзгармаслигини афзал кўрадилар. Масалан, коммунал хизмат, транспорт хизмати таърифи.

9.	Махсус арзонлаштирилган нарх	Махсус арзонлаштирилган нарх билан маҳсулотлар мухтожларга хайр-эҳсон қондасига биноан сотилади.
----	-------------------------------------	--

Жадвалда бозор нархларини турланиши берилган. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос нархлар тизими мавжуд. Бунда нархларнинг шаклланиши ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи, аммо ҳар хил мақсадда қўлланиладиган нархлар йиғиндиси амал қилади. Нархнинг шаклланиш жараёни мураккаб, унинг иштирокчилари ғоят кўпчилик, нархлар турли вазифаларни бажаради, шу сабабли нархларнинг турлари кўп. Нархларни турларга ажратиш мезони – бу нархнинг шакллантириш механизми, унинг амал қилиш соҳалари ва нархни қўллашдан кутилган мақсадлар ҳисобланади.

Давлат хариди механизми орқали қуйидаларга эришиш мумкин:

- рақобат муҳитини сақлаш ва бозорларни ривожлантиришни таъминлаш;
- айрим минтақаларни ёки аҳолининг айрим гуруҳларини қўллаб-қувватлаш;
- бозорда барча хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш (миллий ишлаб чиқарувчилар, хусусий бизнес иштирокчилари ва иқтисодиётнинг тармоқлари, масалан, қишлоқ хўжалиги).

Шуни айтиб ўтиш керакки, давлат харидлари нафақат давлат бошқарув органлари фаолиятини таъминлаш вазифаларини бажаради, шу билан бирга нархлар давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг пухта ва самарали воситаси ҳисобланади.

2. Ғазначиликда нархлар мониторингини ўтказишнинг амалдаги холати таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли Қарори давлат бюджетида жамланадиган мақсадли жамғармалар, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва хорижий грантлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Тендер савдоларини ташкил этилиши давлат харидида танлаш имкониятини беради. Тендер савдолари 100 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган контракт бўйича амалга оширилади. Агарда ушбу миқдордан кам бўлса энг яхши танлов таклифни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Тендер савдоларини ташкил этилишидан 30 кун олдин матбуот нашрларида тендер савдоларини ўтказилиши тўғрисидаги эълон чоп этилади. Тендер савдолари жараёни конун бузилиши ҳолатлари бўлиши мумкин, бунинг олдини олиш мақсадида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан кенг миқёсли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Тендер савдолари ташкил этилиши бўйича очик ва ёпик тендер турларига бўлинади. Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Ёпик тендерда истисно ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда буюртмачи олдиндан белгилаб қўйган ташкилотлар иштирокида ўтказилади, бу ташкилотларга таклифномалар жўнатилади.

Тендер савдоларида тендер комиссияси аъзолари сони тоқ бўлади, унинг таркиби қуйидагилардан иборат.

1. Хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва мустақил эксперт ташкилотлар вакиллари.

2. Буюртмачининг юқори ташкилотлари, вазирликлари, идоралари вакиллари.

3. Тендер савдолари хорижий товар етказиб берувчиларни жалб этган ҳолда ташкил қилинган тақдирда, транспорт-экспедиторлик компаниялари вакиллари.

4. Буюртмачининг ёки унга қаршли корхоналар ва ташкилотлар вакиллари иштирок этадилар, уларнинг сони тендер комиссияси таркибининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан давлат мулкининг босқичма-босқич хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Дастлабки йилларда маиший хизмат кўрсатиш объектлари хусусийлаштирган бўлса, кейинги йилларда зарар кўриб фаолият юритаётган корхоналарнинг хусусийлаштириш бўйича давлат томонидан самарали лойиҳалар ишлаб чиқилди. Хусусийлаштириш жараёнида давлат объектларини чет эл инвесторларига тендер савдолари орқали сотишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат объектларини хусусийлаштиришда янги иш ўринларини яратиш, замонавий технологияларни жалб этиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологияни асраб-авайлаш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Тендер савдолари натижасида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни киритган Жанубий Корея, Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари инвесторлари юртимизда фаолият юритмоқда. Давлат объектларининг катта қисми тендер савдолари орқали хусусийлаштирилди.

Ҳозирги кунда молия тизимида тендерлар ўтказиш орқали нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Хорижий кредитлар ва грантлар маблағларидан янада самарали фойдаланиш, мамлакатимиздаги ва чет эллик маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатни ривожлантириш, маҳсулот етказиб беришга кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш юзасидан тендер савдолари ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги

“Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли Қарори нархлар мониторингини амалга оширишда асосий қонун ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

“Республикада 2000 йил 1 декабрдан бошлаб Давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағлари, шунингдек, Ҳукумат кафолати остида халқаро ва хорижий молия муассасалари, шу жумладан Жаҳон банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Япония Халқаро ҳамкорлик банки, ва бошқалар томонидан бериладиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига маблағ билан таъминладиган ва битта контракт бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлган импорт ва мамлакатимиздаги хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар тендер асосида харид қилинади»⁴.

Хорижий етказиб берувчилар билан тузиладиган тендер контрактлари бўйича юклар ташилишини таъминлайдиган транспорт-экспедиторлик компаниялари тендер асосида танланади. Агар Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ва хорижий грантлар бериш шартларида товарларни харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, шунингдек, харидлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса тендерлар ўтказилмайди. Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқланди. Бюджетдан маблағ олувчилар товарлар, ишлар, хизматларнинг барча турларини харид қилишда ушбу Низомга амал қиладилар.

Тендер савдоларида тендерлар ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири қарорларни ошқора ва холисона қабул қилиш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) учун

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли Қарори. “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Қарорлари тўплами. 2000 й. 11-сон, 72-модда.

устуворликни сақлаган ҳолда тендер қатнашчилари учун тенг рақобат шароитлари яратиш ҳисобланади. Тендер савдолари жараёнида қонун бузилиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида “Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси” томонидан кенг миқёсли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Республикада кўплаб фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш билан биргаликда хом ашёни қайта ишлаш, тайёрлаш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ каби қўшимча фаолият турлари билан ҳам шуғулланади. Бу қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда бошқа соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Фермер ва деҳқон хўжаликларидан хом ашё сотиб олиниб қишлоқ ҳудудларида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сотиш шохобчаларининг очилиши, бошқа соҳалар даромадини қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, жумладан, янги техника воситалари, асбоб-ускуналар, илғор технологияларни харид қилишга йўналтириш иқтисодий масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшади.

Республикада ғазначилик тизими шароитида давлат хариди жараёнларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларининг харид нархларини самарали шакллантириш тартибини такомиллаштириш, Давлат бюджети ғазна ижросида бюджет маблағлари олувчиларининг товар етказиб берувчилар билан тузган шартнома ва контрактларини ғазначиликда назорат қилиш жараёнини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифаларни юклайди. Ғазначилик тизимида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар назорат қилинади.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Молия Вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилиб келинмоқда. Бунда ғазначилик ҳудудий бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий

истеъмол махсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилмоқда. Бу эса озиқ-овқат махсулотларига ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланишга олиб келади ва нархлар мониторинги жуда катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Бюджетнинг ғазна ижроси жараёнида нарх-наво мониторинги ўзига хос аҳамиятга эга. Бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишини олдини олиш ҳамда бюджет харажатларининг ортиқча сарф-харажатларини камайтириб бюджет маблағларини иқтисод қилиш учун махсулотларни воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан сотиб олинishi, четдан келтириладиган товарлар эса бевосита импортердан сотиб олинishi нархларнинг оширилишининг олдини олади.

Иқтисодиётини модернизациялаш шароитида чекланган бюджет маблағлардан манзилли фойдаланиш Давлат бюджетини бошқаришни барча босқичларининг асосий тамойили десак муболаға бўлмайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш зарурияти, Давлат бюджети маблағларини мақсадли тақсимлашнинг доимий молиявий назорати, бюджетдан маблағ олувчиларни мажбуриятларини самарали бошқариш муаммолари, нархлар мониторинги кучайтириш, ўз навбатида, бюджет ташкилотларининг озиқ-овқат махсулотларини харид нархларини самарали шакллантиришдан иборат.

Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмининг самарали бўлиши, кўп жиҳатдан давлат хариди учун қарор қабул қилаётган давлат хизматчиларининг квалификация даражаси, профессионал тайёргарлиги ва ҳаққонийлигига боғлиқ. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бевосита ҳукуматнинг зиммасига юклатилаган вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан юқорида кўрсатилган йўналишлардаги камчиликларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда ва нархлар мониторинги асосида давлат харидини амалга оширишда иштирок этувчи бошқа субъектлар билан давлат хариди

жараёнининг механизмини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг модернизациялаш ва янгилаш шароитида бюджет тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб бориш тақозо этилади. Ғазначиликда дастлабки назорат молия операцияларини амалга оширишдан олдин ўтказилади, шунинг учун огоҳлантирувчи хусусиятга эгадир. Чунки, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий-молиявий хатолар, хўжасизлик ва қонунбузарликлар натижасида юзага келадиган зарарлар, зиёнлар ва йўқотишлар кўпайиши мумкин эмас. Уларни имкон қадар камайтириш учун молиявий режаларни кўриб чиқиш ва давлат харид тизими босқичларида нархларни ошириш билан бўладиган ноқонуний ҳаракатлар, камчиликлар ва тартиб бузарликларнинг олдини олиш зарур.

3. Ғазначиликда нархлар мониторингини ўтказиш механизмини такомиллаштириш

Давлат бюджетини бажаришга қаратилган ғазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади. Бу борада Молия вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган Ғазначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча поғоналарда мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишларни»⁵ амалга оширилмоқда. Бюджет ташкилотларида харид фаолиятини тўғри ва самарали ташкил қилиш учун маҳсулотлар (хизматлар ишлар) харид қилиш жараёнига комплекс ёндошув зарур. Қуйидаги расмда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш жараёнининг асосий йўналишлари берилган.

1. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишни режалаштириш. Биринчи навбатда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га бўлган талаб асосланади. Стратегик аҳамиятга эга бўлган ва ўта муҳим маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га аниқланади. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни самарали ишлатишнинг индикаторлар тизимини яратилади. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни режалаштиришдаги қарорлар қабул қилишнинг ташкилий схемаси ишлаб чиқилади. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг устуворлари аниқланади. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га бўлган талаб ва харид қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) учун (тўлов) молиялаштириш манбаларнинг мавжудлиги доимо назорат қилинади.

2. Харид қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бозорини таҳлил қилиш. Харид қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)

⁵ Каримов И. А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз. Тошкент. Ўзбекистон. 2004. 4-бет.

бозорини чуқур таҳлил қилмасдан, харид қилиш жараёнини самарали ташкил этиш мумкин эмас. Шунинг учун у ёки маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни сотиб олишда харид қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бозорини таҳлил қилиш натижаларига, маҳсулотнинг нархи ва сифатига, товар етказиб берувчининг молиявий ҳолатига ва ишончилигига таяниш керак.

3. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилишни ташкил этиш. Шубҳасиз, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилишни ташкил этиш жараёни шартномалар тузиш ва маҳсулотлар етказиб беришда муҳимдир. Шартнома тузишдан илгари мавжуд таклифларни чуқур ўрганиш ва уларни баҳолаш керак. Баҳолаш асосида улар ичидан энг яхши маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини танлаш керак. Бунинг учун энг яхши етказиб берувчини танлаш бўйича қарорлар қабул қилишнинг ташкилий схемаси ишлаб чиқилади.

4. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришни назорат қилиш. Бу жараён давлат харидида жуда муҳимдир. Етказиб берилган маҳсулотнинг сони, унинг сифати, етказиб берилган вақти, шунингдек, етказиб берилган маҳсулот тўғрисидаги ҳужжатни назорати давлат харид жараёнининг якуний босқичидир. Энди бюджет ташкилоти ўзи етказиб берилган маҳсулотларнинг назоратини, ҳисоб-китобини тўғри амалга ошириши ҳамда маҳсулотларни сақлаш ва ишлатишни тўғри ташкил қилиши керак.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар стандарт чора-тадбирлардир, ҳар қандай бюджет ташкилотига мос келади. Самарали харид фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга ёрдам беради. Шу билан бирга ҳар бир бюджет ташкилоти ўз хусусияти ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, бажарадиган вазифалари ва функцияларига кўра, иқтисодиётнинг қайси соҳага тармоғига киришига қараб, харид фаолиятини ташкил қилишда ва бошқаришда қўшимча йўналишлар ва элементларни ишлаб чиқиши мумкин.

Шундай қилиб, самарали давлат хариди тизими бозор иқтисодиётини атрибути ҳисобланади ва бозор иқтисодиёти билан бирга ривожланади. Натижада давлат хариди макроиқтисодий сиёсатнинг самарали воситасига айланади. Давлат харидининг цивилизациялашган шакллари бозорга яқинлаштиради ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишида муҳим аҳамиятга эга. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни (хизматлар, ишларни) сотиб олиш бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ҳозирги кунда давлат йирик исътемомли бўлиб, унинг эҳтиёжлари учун солиқ тўловчиларнинг катта миқдордаги маблағлари сарфланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, бюджет маблағлари сарфини қискартиришни таъминлаш учун маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) сотиб олишда ошкоралик, тежамкорлик, тиниқлик, ҳисобот бериш каби тамойиллар асосида қурилган давлат хариди тизими ташкил қилинган. Давлат хариди тизимини ташкил этишни оптималлаштиришда бозор иқтисодиётининг белгиси бўлган рақобат шароитида харидор (бюджет ташкилоти) минимал нарх эвазига товарлар (хизматлар, ишлар) таклиф қиладиган, шунингдек, бошқа (маҳсулот

сифатига қилинадиган қўшимча талабни бажарадиган, маҳсулотларни етказиб бериш муддати ва шаклига риоя қиладиган ҳамда тўлов муддати кониқтирадиган) талабларни бажарадиган етказиб берувчини топиши керак. Келишув жараёнида бундай контрагентни излашда давлат хариди тизимини ташкил этишни оптималлаштириш мақсадидаги турли чоратadbирлари ишлаб чиқилади ва амалиётга йўналтирилади.

Харид компаниясини ўтказишдаги харидор (бюджет ташкилоти) нинг қизиқишини максимал таъминлайдиган амалий услублар ва усуллар йиғиндиси давлат харидини оптимал тизими сифатида аниқлаш мумкин. Давлат хариди жараёнини режалаштиришни конкурс олди ишларини режалаштириш ва ҳар бир конкурс процедуралари режасини ишлаб чиқишдан иборат. Конкурс ўтказиш процедуралари режалаштириш жараёнида улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчилардан маҳсулот харид қилиш каналларига алоҳида аҳамият берилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2008. 27-33 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси». -Т.: «Ўзбекистон» 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: “Адолат”, 2014
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 296 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.
7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14 Т. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
8. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – 365 б. 79
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56. б.
10. Каримов И. А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир- Т.: 2010. -80 б.
11. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” ,2010.-56 б
12. Каримов И. А. Ўзбекистон - мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент : “Ўзбекистон” , 2012. -

13. Каримов И. А «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан. // Халқ сўзи газетаси 24.01.2014 йил. №28 (4438)
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ 2099 – сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги Қарори
15. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 05.12.2014
16. Вахобов А., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. - Т.: Молия, 2002, -164 б.
17. Вахобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. – Т.: Иқтисод-молия. 2008. 316-бет.
18. Қосимова Г.А. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. – Т.:“Молия”. 2013. -487 б.
19. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
20. www.lex.uz.
21. www.treasury.uz .
22. www.gov.uz
23. www.mf.uz